

ИНГ ЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛНИНГ "ЗАМОН" ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ КИЁСИЙ ТАХЛИЛИ

Йигиталиева М.А., магистрант (КПИ)

Феълнинг "замон" грамматик категорияси мунозарали муаммолардан саналади, чунки бу категория билан боглик ёки унга уйкаш булган яна «аспект/тус», «таксис», «даврий муносабатлар (time correlatton/order)» каби категориялар ҳам борки, уларнинг лисоний макоми ханузгача катта мунозаралар ва тортишувларга сабаб бўлиб келмокда. Сохага дахлдор илмий адабиётлар тахдили шуни курсатдики, мавжуд илмий изланишларда феълнинг замон категориясига анъанавий ёндашув устун булиб, уларда купрок унинг структурал-семантик ва функционал жихатларига асосий эътибор қаратилган, вахоланки, унинг лингвокогнитив, коммуникативпрагматик ва лингвокультурологик жихатлари, колаверса, унинг метатили масалалари ва унга киёсий ёндашиш масаласи ханузгача деярли тадқиқ қилинмаган (Jespersen 1933, Решетов 1948, 31-37; Азизов 1949, 158-174; Сулеймонов 1949, 6; Беньяминов 1954,15; Гуломов 1954, 88; Смирницкий. 1959, Барноходжаева 1958, 18; Баязитова 1958; Иванов 1958, 125-174; Мухиддинова 1958, 73-77; Жуманиёзов 1953, Хожисв 1958, 73-76,Иванов1958, Коклянова 1961, Джурабоева 1963, Ilyish 1965, Iofik 1981, Iofik et al, 1981, Quirk et al 1982, Leech et al 1983, Azar 1999; Yusupov 2003 ва бошқалар).

"Замон"концепти ёки «концептуал семантикаси» (Jackendoff 1993) универсал табиатга эга булиб, у хар бир тилда узига хос вербал воситалар 1) лексема (феъл, от, сифат, сифатдош, равиш, равишдош, богловчи, боглама суз ва, бошқалар); 2) фразема; 3) сентенсема; 4) фразеоема; 5) текстема ва новербал воситалар (имо-ишора, юз, бош, кош(лар), лаблар, куз(лар), бурун ва тана харакатлари) тизими оркали вокеалантиради, вахоланки, тилшуносликда бундай воситалар умуматама билан "вербализатор" ("репрезентант", ёки "объективатор") лар деб юритилади'.

Феълнинг грамматик "замон" категорияси ҳам универсал табиатга эга булиб, у тилда асосан феълга хос булган категориядир. Шундай қилиб, тилларда феъллар "замон" концептуал семантикасини вокеалантирувчи Узига хос вербал (феъл, от, равиш, сифат, фразема, сентенсема ва б. тил бирликлари оркали ифодаланган) ва новербал воситалар тизими, яъни майдонининг бир аъзоси (ташқил этувчиси) сифатида унинг ядросини ташқил этади. Чунки улар бошқа вербализаторлардан фаркли уларок,"замон" концептуал семантикасининг турли жихатларини аниқ ва тулакони ифодаловчи бетакрор, махсус тил воситалари саналадилар.

Умумий ва киёсий тилшунослик нуктаи-назаридан олиб каралганда "замон" грамматик категориясига умумлисоний таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, грамматик "замон" бу феълнинг (бир қатор шахе, сон, замон, майл, нисбат, тую (аспект) қабӣ) грамматик категорияларидан бири бўлиб, у гапда қесимдан англашилган воқелик (иш ҳаракат, ҳарәён, ҳолат, даража, сифат, миқдор қабӣ) ларнинг улар ҳақида гапирувчи шахе нутқи пайтига нисбатан қандай вақтда (ҳозирги, утган ва қеласи замонда) ва қай (оддий, давомсиз, давомли, тугал) тарзда амалга оширилиши, яъни воқеалантилиши, ҳой олиши ёқи қечишини ифодаловчи категориядир.

Тилларда феълнинг "замон" грамматик категорияси узига ҳос морфологик категория бўлиб, у феълнинг замон шакллари - формантлари (маркерлари) орқали ифодаланadi. Ҳ,ар бир тилда феълнинг "замон" грамматик категориясининг узига ҳос қвантитатив ва қвалитатив типологик жиҳатлари мавжуд.

Ушбу мақолада "замон" концептуал семантикасининг энг фаол вербализатори бўлган феългагина тухталамиз, бошқа вербализаторлар таҳлилига эътиборни қелгуси изланишларимизда қаратамиз.

Инглиз тилшунослигида феълнинг замон категорияси,, унинг формантлари масаласига икки ҳил ёндашув мавжуд. Бир гуруҳ олимлар (вахоланқи улар ҳуда қупчилиқни ташқил этади) „инглиз тилида феълнинг 16 та замон шакли борлиғини эътироф этеалар (Н.Sweet, Б..Ильиш, Л.Барҳударов, Б.Ҳаймовиқ, Т.Роговская, Н. Қобрина, Е.А.Қорнеева ва бошқалар), иккинқи гуруҳ олимлар (улар озчилиқни ташқил этади) инглиз тилида феълнинг 12 та замон шакли мавжуд эканлиғини тан оладилар, улар утган қеласи замон шакллари ни тан олмайдилар (Azar 1999.).

Ўзбек тилшунослигида ҳам феълнинг замон категорияси ва унинг шакллари ҳақида муҳахассис олимларнинг фикри ҳанузғача бир тухтамга қелган эмас. Масалан, айрим олимлар ўзбек тилида феълнинг 15 та замон тури (шакли) бор эканлиғини эътироф этеалар (Қононов 1960, 209-231), айримлари атиғи 11 та замон шакли ҳақида гувоҳдиқ берадилар (Турсунов, Муҳтров, Раҳматуллаев 1992, 332-347). Қунонқи, ўзбек ва рус тилларини қиёслар экан, Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилида феълнинг 15 та замон шакли мавжуд эканлиғини эътироф этади (Раҳматуллаев 1993, 60-65). Қуриниб турибдиқи, ўзбек тилида феълнинг замон категорияси ва унинг шакллари назариясида ечимини қутаётган қупғина масалалар бор, бўнинг устига замон номларида мантқиқӣ номутаносиблиқ ҳам қузға ташланмоқда (масалан, ўзбек тилида феълнинг замон шакллари ни таҳлил қил ар экан, Ш.Раҳматуллаев унда "узук утган замоннинг ҳозирғи замон давом шакли"

бор эканлигини «-ётир эди», « -ётиб эди» ва «-мокда эди» формантлари оркали исботлашга уринган, лекин бизнингча замон шаклининг номи узи тугри эмас. Ахир утган замонда hozirги замон давом шаклининг булиши узи мантикка тугри келмайди-да. Ушбу замон шакли "узок утган замоннинг hozirги замон давом шакли" эмас, балки "узок утган замоннинг давомли шакли" деб номланса, махсадга мувофик буларди (Кдранг: Рахматуллаев 1993,64-65).

Тахдилларимиз шуни кУрсатдики, киёсланаётган инглиз ва узбек тилларида феъл замонлари узларининг хам квантитатив, хам квалитатив жихатлари билан фаркданадилар. Квантитатив жихатдан олиб каралганда бугунги кунда инглиз тилида феълнинг 4 замон тури ва уларнинг 16 та шакли мавжуд (Kaushanskaya et al, Ильиш 1976, Бархударов 120, Хаймович, Роговская), узбек тилида эса 3 та змаон тури ва 11 тадан то 15 тагача замон шакллари бор эканлиги эътироф этилган (Турсунов, Мухтров, Рахматуллаев 1992, 332-347Рахматуллаев 1993,60-65).

Киёсий кузатишларимиз натижалари шуни курсатдики, инглиз ва узбек тилларида феълнинг 4 та асосий тури, яъни ноаник, давомли, перфект ва перфектли давомли замон тури мавжуд экан, лекин инглиз тилида эса хар бир замон турининг 4 тадан 16 та замон шакли, узбек тилида мавжуд 4 та замон турининг 50 ка якин замон шакллари ажратиш мумкин (1-жадвалга каранг ва киёсланг).

Куришиб турибдики, киёсланаётган хар иккала тилда хам феълнинг замон шакллари ранг-баранг булиб, бир катор коммуникатив - прагматик ва лингвокультурологик жихатларга эга, шу боис улар «замон» концептуал семантикасини ифодалашда тилда мулокот олиб борувчилар учун куп имкониятлар яратиб беради.

1 - жадвал

№ // Шахслар	Инглиз тилида феъл замонлари ва шакллари	Узбек тилидаги феъл замонлари ва шакллари
1-тур замонлар	1.Indefinite tenses:	Ноаник замонлар
	<i>The Present Indefinite tense</i>	<i>Хрзирги иоаниц замон</i>
1 - шахс(бирлик)	I work	Мен ишлайман
2-шахс(бирлик))	You work	Сен ишлайсан Сиз ишлайсиз
3 -шахс(бирлик)	He.She, It works	У ишлайди
1 - шахс(куплик)	We work	Биз ишлаймиз
2-шахс(куплик))	You work	Сенлар ишлайсанлар Сизлар ишлайсизлар
3 -шахс(куплик)	They work	Улар ишлайдилар

	1.2. The Past Indefinite tense	1.2. Утган ноаник, замон
1- шахс(бирлик)	1 worked	Мен ишладим
2-шахс(бирлик))	You worked	Сен ишладиш-. Сиз ишладингиз
3 -шахс(бирлик)	He,She, It worked	У иишади
1- шахс(куплик)	We worked	Биз ишладик
2-шахс(куплик))	You worked	Сизлар ишладингизлар, Сенлар ишладинглар
3 -шахс(куплик)	They worked	Улар ишладилар
	1.1.The Future Indefinite tense;	1.1.Кенаси ноаник, замон
1- шахс(бирлик)	I shall/will work	Мен ишлайман, Мен ишлаяжакман (катъийлик маъноси) Мен ишларман (гумон). Мен ишласам (иккиланиш. Мен ишласам(ми(кин) Мен ишламокчиман, Мен ишлайдиганман. Мен ишлайдиган буламан. Мен ишлагайман Мен ишлагум(дир)
2-шахс(бирлик))	You will work	Сем ишлайсан Сиз ишлайсиз Сен ишлаяжаксан Сен ишлагайсан Сен ишлагунгдир Сиз ишлагунингиздир Сиз ишлагайсиз
3 -шахс(бирлик)	He.She, It will work	У ишлайди/ У ишлаяжак У ишлагусидир
1- шахс(куплик)	We shall/will work	Биз ишлаймиз Биз ишлаяжакмиз Биз ишлагаймиз Биз ишлагумиздир
2-шахс(кугшик))	You will work	Сенлар ишлайсанлар Сенлар ишлаяжаксанлар Сенлар ишлагайсанлар Сизлар ишлайсизлар, Сизлар ишлаяжаксизлар Сизлар ишлагайсизлар Сизлар ишлагунгиздир
3 -шахс(куплик)	They will work	Улар ишлайдилар Улар ишлаяжаклар Улар ишлагайлар Улар ишлагусидир

	1.4. The Future Indefinite tense in the past;	1.4. Утган келаси ноаник, замон
1 - шахс(бирлик)	I should/would work	Мен ишлайдиган эдим Мен ишламокчи эдим Мен ишлайдиган эканман Мен ишламокчи эканман. Мен ишлайдиган булгандим Мен ишламокчи булгандим
2-шахс(бирлик))	You would work	Сен ишлайдиган эдинг Сен ишламокчи эдинг Сен ишлайдиган экансан Сен ишламокчи экансан Сен ишлайдиган булгандинг Сен.ишламокчи булгандинг Сиз ишлайдиган булгандингиз Сиз ишламокчи булгандингиз
3 -шахс(бирлик)	He.She, It would work	У ишлайдиган эди У ишламокчи эди У ишлайдиган экан У ишламокчи экан. У ишлайдиган булганди У ишламокчи булганди
1- шахс(куплик)	We should/would work	Биз ишлайдиган эдик Биз ишламокчи эдик
		Биз ишлайдиган эканмиз Биз ишламокчи эканмиз Биз ишлайдиган булгандик Биз ишламокчи булгандик
2-шахс(куплик))	You would work	Сенлар ишлайдиган эдишлар Сенлар ишламокчи булган экан-санлар Сизлар ишлайдиган эдингизлар, Сизлар ишламокчи булган экан-сизлар Сенлар ишлайдиган булгандиш-лар Сизлар ишламокчи булгандингиз-лар
3 -шахс(куплик)	They would work	Улар ишлайдиган эдилар Улар ишламокчи эдилар Улар ишлайдиган эканлар Улар ишламокчи эканлар. Улар

		ишлайдиган булгандилар Улар ишламокчи булгандилар
2-тур замонлар	2.Continuous tenses:	2.Давомли замонлар.
	2.1. <i>The Present Continuous tense:</i>	2.1. %озирги давомни замой
1- шахс(бирлик)	I am working	Мен ишляпман Мен ишламокдаман,
2-шахс(бирлик))	You are working	Сен ишляпсан/ишламокдаен Сиз ишляянсиз/ишламокдасиз
3 -шахс(бирлик)	He.She, It is working	У ишляпти/ишламокта
1- шахс(куплик)	We are working	Биз ишляимиз/ ишламокдаман
2-шахс(куплик))	They are working	Улар ишляитилар/ ишламокта-лар
3 -шахс(куплик)	2.2. <i>The Past Continuous tense:</i>	2.2. Утган давомни замон:
1 - шахс(бирлик)	I was working	Мен ишлаетган эдим
2-шахс(бирлик))	You were working	Сен ишлаетган эдинг Сиз ишлаетган эдингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It was working	У ишлаетган эди
1- шахс(куплик)	We were working	Биз ишлаетган эдик
2-шахс(куплик))	You were working	Сизлар ишлаетган эдингизлар Сенлар ишлаетган эдинглар
3 -шахс(куплик)	They were working	Улар ишлаетган эдилар
	2.3. <i>The Future Continuous tense:</i>	2.3. Келаси давомни замон:
1- шахс(бирлик)	I shall/will be working	Мен ишлаетган буламан
2-шахс(бирлик))	You will be working	Сен ишлаетган буласан Сиз ишлаетган буласиз
3 -шахс(бирлик)	He,She, It will be working	У ишлаетган булади ^
1 - шахс(куплик)	We shall/will be working	Биз ишлаетган буламиз.
2-шахс(кугшик))	You will be working	Сенлар ишлаетган буласизлар Сизлар ишлаетган буласизлар
3 -шахс(куплик)	They will be working	Улар ишлаетган буладилар
	2.4. <i>The Future Continuous tense in the past:</i>	2.4. Утган келаси давомли замон:
1 - шахс(бирлик)	I should/would be working	Мен ишлаетган булардим
2-шахе(бирлик))	You would be working	Сен ишлаетган булардинг Сиз ишдаетган булардингиз
3 -шахс(бирлик)	He,She, It would be working	У ишлаетган буларди
1- шахс(куплик)	We should/would be working	Биз ишлаетган булардик
2-шахс(куплик))	You would be working	Сизлар ишлаетган

		булардингиз Сенлар ишлаётган булардинглар
3 - шахс(куплик)	They would be working	Улар ишлаётган булардилар
3-тур замонлар	3.The Perfect tenses:	3 Перфектли замонлар:
	3.1. <i>The Present Perfect tense:</i>	3.1. <i>Хрзирги перфектли замон</i>
1- шахс(бирлик)	I have worked	Мен ишлаб булдим
2-шахс(бирлик))	You have worked	Сен ишлаб буддинг Сиз ишлаб булдингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It has worked	У ишлаб булди.
1- шахс(куплик)	We have worked	Биз ишлаб булдик
2-шахс(кушшк))	You have worked	Сизлар ишлаб булдингизлар Сенлар ишлаб булдинглар
3 -шахс(куплик)	They have worked	Улар ишлаб булдилар
	3.2. <i>The past perfect tense:</i>	3.2. <i>Утган перфектли замон:</i>
1- шахс(бирлик)	I had worked	Мен ишлаб булгандим
2-шахс(бирлик))	You had worked	Сен ишлаб булгандинг Сиз ишлаб булгандингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It had worked	У ишлаб булганди
1- шахс(кушшк)	We had worked	Биз ишлаб булгандик
2-шахс(куплик))	You had worked	Сенлар ишлаб булгандинглар Сизлар ишлаб булгандингизлар
3 -шахс(куплик)	They had worked	Улар ишлаб булгандилар
	3.3. <i>The Future perfect tense:</i>	3.3. <i>Келаси перфектли замон:</i>
1- шахс(бирлик)	I shall/will have worked	Мен ишлаб буламан
2-шахс(бирлик))	You will have worked	Сен ишлаб буласан Сиз ишлаб буласиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It will have worked	У ишлаб булади
1- шахс(кугшик)	We shall/will have worked	Биз ишлаб буламиз
2-шахс(куплик))	You will have worked	Сенлар ишлаб буласанлар Сизлар ишлаб буласизлар
3 -шахс(куплик)	They will have worked	Улар ишлаб буладилар
	3.4. <i>The Future perfect tense in the past:</i>	3.4. <i>Утган келаси перфектли замон;</i>
1- шахс(бирлик)	I should/would have worked	Мен ишлаб булган булардим
2-шахс(бирлик))	You would have worked	Сен ишлаб булган булардинг Сиз ишлаб булган булардингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It would have worked	У ишлаб булган буларди
1- шахс(куплик)	We should/would have worked	Биз ишлаб булган булардик
2-шахс(куплик))	You would have worked	Сенлар ишлаб булган булардинглар Сизлар ишлаб

		булган булардинлар
3 -шахс(куплик)	They would have worked	Улар ишлаб булган булардилар
4-тур замонлар	4. Perfect Continuous tenses:	4. Перфектли давомли замон
	4.1. The Present perfect continuous tense:	4.1.Хрзирги перфектли давомли замон
1- шахс(бирлик)	I have been working	Мен (...дан бери) ишляянман/ишлаб келяпман
2-шахс(бирлик))	You have been working	Сен (..., дан бери) ишляяпсан/ишлаб келяпсан/келаётибсан Сиз (... дан бери) ишляяпсиз/ишлаб келяпсиз/ келаетибсиз
3 -шахс(бирлик)	He, She,It has been working	У (...дан бери) ишляяпти/ишлаб келяпти
1 - шахс(куплик)	We have been working	Биз (...дан бери) ишляяпмиз/ишлаб келянмиз
2-шахс(куплик))	You have been working	Сенлар (дан бери) ишляяпсанлар/ ишлаб келяисан-лар Сизлар (дан бери)) ишляяпсизлар/ ишлаб келяпсизлар
3 -шахс(кушшк)	They have been working	Улар (...дан бери) ишляяшилар/ ишлаб келяптилар
	4.2. The Past perfectcontinuous tense:	4.2.Утган перфектли давомли замон
1- шахс(бирлик)	I had been working	Мен (...дан бери) ишлаепан эдим /ишлабкелаётган эдим/
2-шахс(бирлик))	You had been working	Сен (...дан бери) ишляетган эдинг /ишлабкелаётган/ эдинг Сиз (...дан бери) ишляетган эдингиз /ишлаб келаётган эдингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She,It had been working	У.(...дан бери) ишляетган/ишлаб келаётган/ эди
1-шахсСкуплик)	We had been working	Биз(...дан бери) ишляетган/ишлаб келаётган/ эдик
2-шахс(кугшик))	You had been working	Сенлар(... дан бери) ишляетган/ишлаб келаётган/ эдинглар Сизлар (...дан бери) ишляетган

		/ишлаб келастган/ эдингизлар
3 -шахс(куплик)	They had been working -	Улар(...дан бери) ишлаетган/ ишлабкеластган/ эдилар
	4.3. The future perfect continuous tense:	4.3.Келаси перфектни давомли замон:
1- шахс(бирлик)	I shall/will have been working	Мен (дан бери) ишлаетган/ ишлаб келаяпан/ буламан
2-шахс(бирлик))	You will have been working	Сен (...дан бери) ишлаётган/ ишлабкеластган/ буласан Сиз(дан бери) ишлаетган /ишлаб келастган/ буласиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It will have been working	У(дан бери) ишлаетган /ишлаб келаятган/ булади
1- шахс(куплик)	We shall/will have been working	Биз (...дан бери) иишаетган /ишлабкеластган/ буламиз
2-шахс(кунлик))	You will have been working	.Сенлар(...дан бери) ишлаепан /ишлабкеластган/ буласанлар Сизлар(... дан бери) ишлаетган /ишлаб келаятган/ буласизлар
3 -шахс(куш1ик)	They will have been working	Улар(дан бери) иишаетган /ишлабкеластган/ буладилар
	4.4. The Future perfect continuous tense in the past:	4.4.Утган келаси перфектли давомли замон:
1- шахс(бирлик)	I should/would have been working	Мен (дан бери) ишлаетган /ишлаб келастган/ булардим
2-шахс(бирлик))	You would have been working	Сен (...дан бери) ишлаетган/ ишлабкеластган/ булардинг Сиз (дан бери) иишаетган/ ишлаб келаятган/ булардингиз
3 -шахс(бирлик)	He, She, It would have been working^	У(дан бери) иишаетган /ишлаб келаятган/ буларди
1- шахс(кунлик)	We should/would have been working	Биз (...дан бери) ишлаетган/ ишлаб келастган/ булардик
2-шахс(куш1ик))	You would have been working	Сенлар(...дан бери) иишаетган/ ишлаб келаятган/ булардинглар Сизлар (.....дан бери) ишлаепан /ишлаб келастган/

		булардингизлар
3 -шахс(куш1ик)	They would have been working	Улар(. дан бери) ишлаётган/ ишлаб келаётган/ булардилар

Х,ар иккала тилда ҳам феъл замонлари икки асосий усулда, яъни синтетик ва аналитик усулда ясалади. Масалан, инглиз тилида came, worked, went каби синтетик замон шакллари билан бир каторда "is(am/are/was/were +сифатдош I")"shallI(shoud)/will (would) +инфинитив", "shall(should) /will(would) have (had)+ сифатдош IF , "have been/had been+ сифатдош +1", "shall(should) will/would+ have +Бееп+сифатдош+Г каби аналитик замон шакллари билан ҳам фойдаланилади. Узбек тилида эса феъл замонининг синтетик шакллари билан бир каторда "феъл + ар/ётган+эдм+шахс маркери-", "феъл + ар/ётган+эди/ э/сам+шахс маркери", "феъл +ётган +була*-и&хс маркери", феъл "+ётган +булар-шахс маркери" каби замоннинг аналитик формантларни уз ичига олган шакллари ҳам кўлланилади.

Шуни айтиш жоизки, узбек тилида кундалик мулоқотда тез-тез кулланиб туриладиган феъл замонларининг куйидаги айрим перфект шакллари хақида илмий ва амалий манбаларда умуман маълумотлар йук (К,аранг: Кононов 1966,216-219; Рахматуллаев, 332-346; 1993 , 62-65ва бошқалар), вахоланки "феъл + (и)б+була+ шахе маркери», "феъл+ (и)б+булар+ шахе маркери», "феъл + (и)б+булаётган +була+ шахе маркери» "феъл +(и)б+булди+шахс маркери", "феъл +(и)б+булган+шахс маркери", "феъл+ган+була+шахс маркери" ва бошқа формантларнинг узбек тилида кенг кулланишини ҳеч ким рад этмайди. Узбек тилида феълнинг факат Утган перфект замон шакли хақида С.И.Иванов (Иванов 1958, 125-138) мақоласида қисқача маълумот берилган, перфектнинг бошқа шакллари, масалаи, ҳозирги, келаси ва утган келаси перфект замон шакллари хақида маълумотлар йук. Вахоланки, перфектнинг бундай шакллари жоили тилда тез-тез кулланилмасдан иложи йук. Илмий манбаларда инглиз тилида "тарихий ҳозирги замон (Historical Present)" хақида ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Аслида бу замон шаклан "ҳозирги ноаник замон (Present Indefinite) дан ҳеч фарқ қилмайди, лекин коммуникатив-прагматик ва функционал жиҳатлари билан ундан катта фарқ қилади. Гап шундаки, унда утган замонга дахлдор иш-ҳаракатлар атайлаб транспозиция орқали ҳозирги замон шаклларида берилади (масалан, купинча утмишдаги бирор шахе таржимаи холи ёритилганда, шу замон кулланилиши мумкин (масалан, Theodore Tompson is born in Washington in 1952. He goes to school in 1959, finishes it in 1970, then that year enters HarvardUniversity and graduates from it with honours in 1975 and starts working as an economist at General Motors. Ушбу матн узбек тилига куйидагича таржима қилиниши мумкин: "Томпсон 1952 йилда Вашингтонда тугалади. У

1959 йили мактабга боради ва уни 1970 йили битиради, кейин уша йили Гарвард университетига уқишга киради ва уни 1975 йили имтиёзли битиради, кейин эса Жене́рал Моторсда икгисодчи булиб ишлай бошлайди".

Матндан куришиб турибдики, узбек тилида ҳам шундай замон борлиги хакида фикр юритишга тулик асос бор. Бундай матнлар кам булсада, лекин тилларда учрабтуради.

Юкоридаги киёсий тахлилимиздан куришиб турибдики, инглиз ва узбек тилларида "замон" концептуал семантикасини ифодалашда лексемалар орасида феъл муҳим Урин тутуди, чунки феъл оркали замон концептуал семантикаси ифодаланса, ушбу семантика аниқ ва равшан тарзда воқеалантирилади, шу боис феълни "замон" концептуал семантикасининг энг фаол вербализатори деб қарашга асос бор.

"Замон" концептуал семантикасини воқеалантирар экал; киёслана-ётган тилларда феъл катъий бир замон тизими Кобигида узининг структурал - семантик, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини ёрқин намоён қила олади.

Киёсланаётган инглиз ва узбек тилларидаги феъллар узларининг замон тизимларида айрим изоморфик (ухшаш) ва алломорфик (ноухшаш) жиҳатларга эга. Уларнинг ухшаш жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1) ҳар икки тилда "замон" концептуал семантикаси одатда феъллар билан ифодаланган лексик вербализаторлар оркали аниқ воқеалантирилади, бундай ҳолларда ҳар икки тилда замоннинг 4 тури (ноаниқ, давомли, перфектли ва перфектли давомли тури) билан иш қурилади.

2) киёсланаётган тилларда феълнинг замон категорияси шакллари квантитатив жиҳатдан бир хил булсада, квалитатив жиҳатдан бир-бирларидан фарқданадилар (бунда феъл замонларининг вариант шакллари катта роль уйнайди).

3) замон турларини ифодаловчи шакллар ички (deep) структурасида ва улар билан боғлиқ функциоанал-семантик, коммуникатив-прагматик жиҳатларида сезиларли фарқдар қузатилмайди.

Уларнинг ноухшаш жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1) инглиз ва узбек тилларида феъл замонларининг асосий турлари 4 та булсада, уларнинг вариант шакллари узбек тилида 50 га яқин, ваҳоланки, инглиз тилида эса улар 25 та шаклни ташкил этади (shall/will ва бошқа формантлар ҳисобига) бу эса уларнинг кватитатив жиҳатдан фарқданаётганлигидан далолат беради;

2) ҳар бир тилда замон шакллари мазкур тилнинг қонун-қоидаларига асосланган моделлар (қолиплар) га мувофиқ равишда ясалади ва морфологик ва синтактик жиҳатдан тавсифланади ҳамдатаснифланади;

3) киёсланаётган тилларда феъл замонлари шакллари узларининг юзаки (surface) яъни белгили структураси билан бир бирларидан тубдан фарк қиладилар, чунки ҳар бир тилда феъл замонлари шакллари феълнинг морфологик жихатлари билан узвий боғлиқдир;

4) киёсланаётган тилларда феъл замонлари шаклларининг лингвокультурологик хусусиятлари узига хос бўлиб, инглиз тилидан фарқди уларок, ўзбек тилида сузлашувчилар тафаккури билан боғлиқ ҳолда бир қағор этнолингвокультурологик омиллар ҳам ифодаланадики, уларда, жумладан, тилда сузловчи-ёзувчининг иш-ҳаракатга бўлган муносабати ҳам уз аксини топган бўлади (яъни феълда иш-ҳаракат бажарилишининг аниқлиги, ноаниқлиги, қатъийлиги, лозимлиги, муқаррарлиги, дарғумонлиги, шунингдек, сузловчи/ёзувчининг унинг бажарилишига ғумонсираши, унинг қимнингдир томонидан ҳикоя қилиб берилганлиги ёки эшитилганлиги қаби коммуникатив-прагматик ва функционал жихатлари), бир суз билан айтганда тилда сузлашувчилар маданиятини ифодаловчи компонентлар ҳам бевосита уз ифодасини топган бўлади);

5) аглютинатив қурилишга эга бўлган ўзбек тилида замонлар асосан синтетик формантлар орқали ясалса, аналитик қурилишга эга бўлган инглиз тилида эса замон шакллари қупрок аналитик формантлар асосида ясалади, лекин ўзбек тилида ҳам қисман аналитик воситалар қулланилиши қузатилади.

Киёсланаётган тилларнинг феъл замонлари системасидаги ухшаш жихатлари мазкур тилларда коммуникатив жихатдан муҳим ва зарур бўлган универсал замон муносабатларини воқеалантириши эҳтиёжи билан тушунтирилса, уларнинг ноухшаш жихатлари у ёки бу тилда сузловчилар бетакрор тафаккурининг узига хос идиоматик тил воситалари орқали воқеалантирилишлари билан изоҳланади. Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларининг феъл замонлари тизимидаги ухшаш жихатлари қупрок уларнинг ички (deep) структураси билан боғлиқ бўлса, уларнинг ноухшаш жихатлари мазкур тилларда универсал замон муносабатларини ифодаловчи вербапизаторларнинг белгили, яъни юзаки структурасини акс эттирунчи узига хос техника, усуллар ва воситаларнинг морфолого-синзактик хусусиятларига бевосита боғлиқдиги билан тушунтирилади.

Киёсланаётган феъл замонларидаги ухшаш ва ноухшаш жихатларини урганувчиларга атрофлича, лунда ва аниқ тушунтириб бериш уларда тил билан боғлиқ қундалиқ фаолиятларида ҳар икки тилдаги феъл замон шаклларини фарқдаб, онгли ва тугри қўллай олиш малақа ва қуникмаларини шакллантиришга, шунингдек, қсрак уринда у ёки бу тилдан тугри (адекват) таржималарни амалга оширишга нухта қамин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизов А. "Семантика настоящего времени глаголов в русском и узбекском языках". Труды Инст. языка и литер. АН УзССР, вып.1, Т., 1949, стр 158-174
2. Барноходжасва Х.С. "Настоящее время изъявительного наклонения в английском языке и его соответствия в узбекском языке", АКД, Т., 1958, 18 стр.
3. Баязитова. "Будущее время глагола в русском и узбекском языках". Т., 1958, 33 стр.
4. Бархударов А.С. "Очерки по морфологии современного английского языка". М, Высшая школа, 1975. 120-129
5. Беиьяминов Я.Р. "Временные формы изъявительного наклонения в немецком языке и их эквиваленты в узбекском языке". АКД, Т., 1954, 15 стр.
6. Воронцова Г. Н. *"Очерки по грамматике английского языка"*. М, 1960, стр. 191 стр.
7. Джурабоева Дж. "Категория будущего времени глагола в современном узбекском языке" АКД, Т., АН УзССР, 1961, 21 стр.
8. Жуманиёзов Р. "Узбек тилида феъл замонлари".// Совет мактаби, 1953, №3, 16-19 б.
9. Иванов С.Н. "Прошедшее перфектное время в современном узбекском языке". Сб. Памяти акад. И.Ю.Крачковского», изд.Лен.гос.унив., Л., 1958, стр. 125-138
- Ю.Коклянова А.А. "Категория времени в современном узбекском языке". М.: Паука, 1963, 95 стр.
- П.Кононов А.Н. "Грамматика современного узбекского литературного языка". Изд., АН УзССР, Москва-Ленинград, 446 стр.
12. Мухитдинов. "Келаси замон маъносининг ифодаланиши"// Узбек тили ва адабиёти, 1953, №3.
13. Мухиддинова Ж. "Хозирги - келаси замон феъли". Узбек тили ва адабиёти месаллари. Т., 1958, № 2, стр.73-77.
14. Рахматуллаев Ш. "Узбек ва рус тилларини қиёслаш". "Ўзбекистон", Т., 1993, 110 б.
15. Решетов В.В. "О категории настоящего времени в узбекском языке". Доклады АН УзССР, 1948, №5, стр.31-37.
16. Смирницкий А. И. *"Перфект и категория временной отнесенности"*. Иностранные языки в школе, 1955, №1. 2.
17. Смирницкий А. И. *"Морфология английского языка"*. М., 1959, стр. 274 - 316. Иванова И. П. *"Вид и время в современном английском языке"*. М., 1979, стр. 112—113.

- 18.Сулсймонов А.Х. "Категория глаголов прошедшего времени в современном узбекском литературном языке". АКД, Самарканд, 1949, 6 стр.
- 19.Турсунов У., Мухтров Ж., Рахматуллаев Ш., "Хозирги узбек адабий тили". "Ўзбекистон", 399 стр.
- 20.Хожиев А. Узбек тилида -мокда аффикси. "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", Т., 1958, 34, стр.73-76.. 21.Гуломов А.Г. "Феъл". Т., 1954, 88 стр.
- 22.Azar B.S. "Understanding and Using Grammar". Published by Pearson Education, 1999
- 23.Biber D., Johansson S., Leech J., et al. "Grammar of Spoken and Written English". Longman, 2007
- 24.Blokh M.Y..A "Course in Theoretical English Grammar", M.Vysshaya Skola, 2000
- 25.Ilyish B.A. "The Structure of Modern English", L, 1976
- 26.Iofik L.L., Chakhoyan L.P., Pospelova A.G. "Readings in the Theory of English Grammar". L. 1981.
- 27.Irskilov M.,Kuldashev A. "Theoretical Grammar of the English Language". Tashkent, 2008, 193
- 28.Jackendoff R. "Semantics and Cognition. 6th ed. Cambridge (Mass.)": The MIT Press. 1993.
- 29.Jespersen O. "Essentials of English Grammar", London, 1933 30.Jespersen O. "The Philosophy of Grammar", London, 1953, 50 pp, 31.Kaushanskaya V.L. et al. "A Grammar of the English Language", L., 1973, 313 стр.
- 32,Khaimovich B,S., Rogovskaya T. A "A Course in Modern English Grammar". Moscow, Vysshaya shkola, 1987
- 33.Kobrina N. A., Korneyeva E. A., Ossovskaya M. IGuzeyeva K. A. "An English Grammar". Syntax, Moskow "Prosvesheniye" 1986, 160 pp. 34.Leech, J.Svartvik. "A Communicative Grammar of English". M., 1983. 35.Quirk, S.Greenbaum, J.Leech, J.Svartvik. "A University Grammar of English", M., 1982.p.p.
- 36.Sweet H. A "New English Grammar, Logical and Historical. Part 1, Oxford", 1892; Part II. Oxford, 1898.
- 37.Yusupov U.K. "Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages". Tashkent, 2003.